

Туркистонда тараккий ва тажаддуд йўлида кўп хидмат килгонлардан бири мархум Шокир афанди Мухторийдир.

Шокир афанди Туркистонда тахминан 15 йил таълим ва тарбия йўлида хидмат килиб келган маъруф муаллим ва мухаррирларимиздан эди. Мархум 1920нчи йил 26нчи де-кабрда Жиззах касалхонасида чихутка (сил) хасталиги ила вафот этди.

Шокир афанди муктадир бир муаллим, ўткур каламли бир мухаррир эди. Туркистонда қахат ур-рижоллик бир замонда энг керак бўлгон шундай зотдан айрилишимиз биз учун зўр мусибат ва улуг зиёъдир.

Шокир афанди 1906нчи йилларда Фаргонага келиб шунда 10 йилдан зиёда бир муддат муаллимлик этди. 1917нчи йил феврал инкилобидан сўнг оиласи билан Самаркандга кўчуб келиб, шунда тура бошлади. 1918нчи йил июн бошларида чика бошлагон «Мехнаткашлар товуши» газетасига кириб ўн ой чамаси калами ила хидмат кидди. Ондан сўнг дорилмуаллиминда ва турли курсларда муаллимлик килиб турди. 1920нчи йил хасталанган бўлса-да, шул хол билан яна бир неча ой муаллимлигида давом этди. Охири хасталиги зўрайиб хейли вақт ўз уйида ва сўнгра бир неча ой Самарканд касалхонасида ётди.

Сўнгра 1920нчи йил ёз фаслида бир дўстининг далолат ва ёрдами билан кимиз ила даволанмак учун оиласини олиб Жиззахга кўчди ва шунда касалхонада вафот этди.

Шокир афанди, бир ёқдан, илми ила халк болаларини тарбия этдигидек, иккинчи ёқдан, калами ила матбуот ошиқларини истифодаландируб турар эди. Анинг шеърлари Ўринбургда чикатургон «Шўро» мажалласида, истифодали мақолалари Туркистон ва Фарғонада чикатургон рўзномаларда босилиб турар эди.

Шокир афандининг осори каламияси анчагинадир. Ул Фарғонада тургон вақтида «Ким кози бўлсун?» асарини ёзиб чикарди. Самаркандда турдиги вақтларида ўктабр инкилобидан сўнг «Сусиёлизм нимадир?», «Ёр хакида икки турли фикр» ҳам «Турк тилининг усули таълими» ном рисоаларини ёзди. Бу рисоаларнинг барчаси

матбуъадир.

Булардан бошка Шокир афандининг ёзиб тамом килгон улуг бир асари бор эдиким, анинг исми эсимда колмагон. Яна бир неча асарлари бўлса-да, нотаом холида колгон.

Шокир афанди тақрибан кирк ёшида эди. Мархумдан бир хотун, Мидхат ва Талъат исмларида икки ўғул, Фоиза ва Ноила исмли икки киз колди. Булардан Мидхат 16 ёшларида бўлуб, илгари Самарканд дорилмуаллиминида ўкур эди, хозирда зироат мактабида ўкумокдадир.

*«Инкилоб» журнали, 1922 йил, 3-сон*